

БАНН АЖБОРОННОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 36 (539)

2006 йил 6 сентябр

МИЖОЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Банклардаги депозит сиёсати ҳам ташкилот, ҳам миждо манфаати учун хизмат қилганлиги боис кундан-кунга унга бўлган эътибор ва талаб кучайиб бормоқда. Бунда аҳолининг бўш пул маблағлари хавфсиз сақланиши ҳамда миқдори тобора ошиши билан бирга банкда мунтазам равишда пул маблағларининг айланиши таъминланади.

Мана шуларни ҳисобга олган тижорат банклари мунтазам равишда ўзининг янги турдаги юқори фоизли омонатларини аҳоли эътиборига ҳавола қилиб келмоқда. Хусусан, акциядорлик-тижорат "Микрокредитбанк" ҳам бугунги кунда ўз омонатлари, қолаверса, омонатчилари сафини кенгайтириш мақсадида янги турдаги "Шодиёна" депозитини жорий қилди. Истиқлолимизнинг 15 йиллик юбилеи муносабати билан таклиф этилаётган мазкур омонатнинг йиллик фоиз ставкаси 24 фоиз бўлиб, унга маблағлар шу йилнинг 15 сентябрига

қадар қабул қилинади. Сақланиш муддати 3 ой бўлган "Шодиёна"нинг бошланғич бадал тўлови 100000 сўм қилиб белгиланган. Фоизлар эса, ҳар ой давомида тўлаб борилади.

Шунингдек, акциядорлик-тижорат "Алоқабанк" ҳам Мустақиллик байрами муносабати билан "Истиқлол" номли янги омонатини жорий қилди. Айни пайтда банкда мавжуд "Сахий", "Шифокор" ҳамда бир нечта турли фоизли муддатли омонатлар қаторига қўшилган "Истиқлол" депозитининг йиллик фоиз ставкаси ҳам 24 фоиз бўлиб, сақланиш муддати 3 ойдир.

Байрам арафасида бир-бирдан жозибадор омонатларни аҳолига тақдим этиш ҳар бир банк учун анъана бўлиб бормоқда. Хусусан, Истиқлолнинг 15 йиллигига бағишлаб Халқ банки, АТ "Пахта Банк", "Ўзсаноатқурилишбанк"и ва "Фаллабанк" каби йирик банклар ҳам бир нечта омонатларини таклиф этган бўлиб, улар бир-бирдан нафақат номлари, балки фоиз ставкалари билан ҳам фарқланади.

Назира МАВЛОНОВА.

БУ СОНДА:

2-4 Ўзбекистон банклари ассоциацияси: Истиқлолнинг 15 йиллигига

5 Банк фаолияти: Мақсад — бунёдкорлик

6 Жаҳон тажрибаси

НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМ ИШБИТИРСА БЎЛАДИ

Чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа хизмат турларидаги тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш замонавий молиявий муносабатларнинг энг қулай усулларидан бири. Дунё тажрибаси шунини кўрсатадики, пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш ҳар тарафлама қулай, ҳамда хавф-хатардан холи.

"Хамкорбанк" акциядорлик-тижорат банки муомалага чиқарган карточкалардан банк миждозлари ойлик маошларини олишда, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида тўловларни амалга оширишда фойдаланмоқдалар. Бугунги кунда банкнинг республика бўйича 80 га яқин терминаллари аҳолига хизмат кўрсатмоқда, миждозлар қўлида эса 9600 га яқин пластик карточкалар мавжуд. Жами терминалларнинг 63 таси савдо шохобчаларига, шундан 51 таси Андижон вилоятидаги савдо нуқталарига тўғри келади.

Андижон темир йўл вокзали, "UNITEL" уяли алоқа компанияси, "Акмал" дорихонаси, "Элита" меҳмонхонаси, "Истамбул-лаззат" ошхонаси, "Хамкор авто" АЁҚШ ҳамда "LG" уй жиҳоз ва электроника магазини каби хизмат кўрсатиш жойларида тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда.

Йил охиригача яна 80 та терминал ўрнатиб, қўшимча 10 мингта карточкани муомалага чиқаришни режалаштирганмиз, дейди банкнинг пластик карточкалар билан ишлаш сектори мудири Сергей Раззоков. - Пластик карточкаларнинг қулайлигига миждозларнинг ўзлари ҳам ишонч ҳосил қилишмоқда. Яқин кунларда банкнинг Фарғона, Марғилон, Қўқон, Қувасой, Шаҳрихон, Наманган, Олмалиқ ҳамда Бухоро филиалларида ҳам пластик карточкалардан фойдаланишга ўтилади.

Материалларни Эъзоз КАМОЛОВА тайёрлади.

ИШОНЧЛИ ОМОНАТ — САМАРАЛИ ДАРОМАД

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонат жамгармаларига жалб этиш миждо ва банк учун икки тарафлама фойдали ҳамкорликдир. "Хамкорбанк" ҳам энг самарали ва икки тарафлама фойдали ҳисобланган ушбу банк хизматини кун сайин такомиллаштириб бормоқда. Масалан, 2006 йил январ ҳолатига кўра аҳоли омонатлари қолдиғи 21198,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1 июл ҳолатига келиб бу кўрсаткич 26 млрд. 505 млн. сўмдан ортиб кетди. Шу давр мобайнида омонатчилар сони ҳам 3480 нафарга кўпайди.

"Барқарор" омонат турига йиллик 22 фоиз, "Хаммабоп" омонат турига йиллик 21 фоиз даромад билан маблағ қўйиш мумкин. "Барқарор" омонатига қўйилган маблағнинг даромадини ҳар ойда, "Хаммабоп" омонатига қўйилган маблағ даромадини омонатчи ўз хоҳишига кўра хоҳлаган вақтда олиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, банк ўзининг чакана хизматларидан бири бўлган аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш орқали ўзаро самарали ва фойдали ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 5 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	945,48
1 Англия фунт стерлинги	2342,40
1 Дания кронаси	211,87
1 БАА дирҳами	334,45
1 АҚШ доллари	1228,38
1 Миср фунти	214,19
1 Исландия кронаси	17,83
1 Канада доллари	1111,35
1 Хитой юани	154,55
1 Кувейт динори	4247,66
1 Россия рубли	45,91
1 Украина гривнаси	243,24
100 Ливан фунти	81,84
1 Малайзия ринггити	335,90
1 Норвегия кронаси	194,49
1 Польша злотийси	398,99
1 Сингапур доллари	782,41
1 СДР	1825,53
1 Туркия лираси	840,44
1 Швеция кронаси	169,26
1 Швейцария франки	1000,07
1 ЕВРО	1579,33
10 Жанубий Корея вони	12,82
10 Япония йенаси	105,33

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ТИЗИМИ КЕНГАЙМОҚДА

Замонавий хизмат тури бўлиши нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими мамлакатимиз бўйлаб тобора оммалашиб бормоқда. Бунда албатта, уни амалга оширишни йўлга қўйувчи асосий восита - тижорат банкларининг роли каттадир. 2004 йил 24 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинганидан сўнг эса, банклар томонидан мазкур хизмат тури бўйича турли хил лойиҳалар ишлаб чиқиладиган бошланди.

Булар жумласига пластик карточкалар асосида кредит карточкалари ҳамда "Иш ҳақи" лойиҳаларини жорий қилиш каби лойиҳалар киритиш мумкин.

Республикаимизда бир неча йиллардан буён фаолият юритиб келатган "Ў-Т банк" Ўзбекистон-Туркия қўшма банки ҳам бу хизмат турини ўз миждозлари ўртасида тарғиб қилиб, тез орада салмоқли натижаларни қўлга киритди. Ушбу банкдаги пластик карточкалар билан ишлаш бўлимининг таъкидлашларича, жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига электрон карточкалар орқали ўтказилган айланма маблағлар миқдори 93 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Айни пайтда мазкур сўм карточкалардан самарали фойдаланиш учун ўрнатилган терминаллар сони 10 тадан ортиқ бўлиб, улар маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, жумладан, ёнилғи қўйиш шохобчалари, меҳмонхоналар, улгуржи ва чакана савдо қилиш нуқталарига жойлаштирилган.


Яқин келажакда банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ўзининг кредит карточкаларини жорий қилиш ҳамда улар асосида "Иш ҳақи" лойиҳаларини ишлаб чиқишни режалаштирган.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 5 сентябр ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1236,00	1239,00	1580,00	1600,00
"Асака" банки	1236,00	1239,00	1582,00	1592,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1236,00	1239,00	1582,00	1592,00
"Пахта Банк"	1237,00	1239,00	1585,00	1590,00
"Халқ банк"и	1236,00	1239,00	1580,00	1594,00
"Ипотекабанк"	1236,00	1239,00	1580,00	1590,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1236,00	1237,00	1589,00	1591,00
"UzKDBбанк"	1236,00	1239,00	1579,00	1602,00
"Фаллабанк"	1236,00	1239,00	1580,00	1587,00
"Трастбанк"	1236,00	1239,00	1580,00	1590,00
"Алп Жамол банк"	1236,00	1239,00	1589,00	1593,00
"Алоқабанк"	1236,00	1238,00	1579,20	1602,90
"Ў-Т банк"	1236,00	1239,00	1580,00	1600,00
"Туронбанк"	1236,00	1239,00	1583,00	1589,00
"Савдогар" банк	1236,00	1239,00	1580,00	1590,00
"Илак йўли" банки	1236,00	1239,00	1589,13	1592,98
"Микрокредитбанк"	1236,00	1239,00	1589,00	1593,00
"Туркистон" банк	1236,00	1238,00	1590,00	1620,00
"Даврбанк"	1236,00	1239,00	1600,00	1630,00
"Кредит-Стандарт" банки	1236,00	1239,00	1579,50	1600,00
"Капитал банк"	1236,00	1239,00	1579,40	1603,00
"Содерат банк"	1236,00	1239,00	1532,00	1602,00
"Хамкорбанк"	1237,00	1239,00	1580,00	1600,00
"Универсалбанк"	1236,00	1239,00	1589,00	1592,00
"Парвинабанк"	1236,00	1239,00	1578,00	1582,00



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

Анъанага содиқ қолиб, шу байрам кунларида ҳар биримиз яшаб ўтган йилларимизни сарҳисоб қилмоқдамиз, мамлакат тараққиётига қўшган улушимизни баҳолаётимиз ва келажак режаларини белгилаётимиз. Ўзбекистон банклари ассоциациясининг банк тизимини ривожлантиришдаги роли бекиёс даражада катта. Ҳозирги кунда ЎБА кадрлар тайёрлаш самарали тизимини яратишда, молия инфратузилмасини ривожлантиришда, янги молиявий воситаларни жорий этишда, банк иши, моддий-техникавий таъминот соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришда ва қонунчилик базасини такомиллаштириш соҳасидаги ишда фаол қатнашиш билан боғлиқ муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиб келмоқда.

Мухбиримиз Ўзбекистон банклари ассоциациясининг бош директори Сайдулло АБДУЛЛАЕВ билан учрашди ва газетхонларимизни қизиқтираётган саволларга жавоб беришни сўради.

- Сайдулло Парҳодбекович, энг аввало Ўзбекистон банклари ассоциациясини ташкил этиш тарихи ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

- Республикаимиз мустақилликни қўлга киритгач, мустақил миллий банк тизимини шакллани бошлади. Банк тузилмалари жадал ривожланиб борди ва бу ҳол инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда миллий банк тизимини жаҳон банк ҳамжамиятига интеграциялаш масалаларида тижорат банкларининг куч-ғайратларини бирлаштиришни талаб қилди. 1995 йил июн ойида давлатимиз раҳбари И. Каримов ташаб-

буси билан тижорат банклари делегатларининг биринчи Таъсис съездида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримов съездга йўллаган ўз мактубида "Ўзбекистон банклари ассоциациясининг ташкил этилиши - давр талаби. Ҳозирги шароитда банк тармоғи иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини бирлаштириши ва уларнинг ривожланишига хизмат қилиши билан тобора катта аҳамият касб этмоқда. Айнан банклар халқ хўжалигининг барқарорлигини, уни ривожлантириш йўналишлари ва суръатларини белгилаб бермоқда, ҳар бир фуқаронинг

муносиб ҳаёт кечириши учун замин яратмоқда", деб таъкидлади.

Ёш мустақил давлат дунёга келаётган даврда малакали кадрлар, жумладан, банк-молия соҳасида ҳам етишмаётганлиги қаттиқ сезилиб турди. Шу сабабли съезд қатнашчилари томонидан қабул қилинган, ҳукумат маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган Банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурида банк мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари асосий ўринда турди.

Шу билан бирга иқтисодиёт барқарор ишлаши учун шароит яратиш берадиган бозор инфратузилмасини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

- ЎБА олдида кўйилган биринчи даражали вазифалар орасида банк тизими учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кўрсатиб ўтдингиз...

- Банклар ассоциацияси юқори малакали мутахассисларга эга бўлиш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг самарадорлик омилли эканлигини ҳисобга олиб, тижорат банклари мутахассислари ва раҳбарларини профессионал тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига катта эътибор бериб келмоқда. Бу ишнинг муҳим хусусияти ҳар бир бўлажак банк ходими устидан уни ихтисослаштирилган банк синфида ўқитишдан бошлаб то Банк-молия академиясида таълим олишигача самарали мониторинг ташкил этишдан иборат.

Дастлабки тайёргарлик босқичида мамлакатнинг энг яхши умумтаълим мактаблари негизида 39 та ихтисослаштирилган банк синфлари очилди ва улар ҳозир ҳам ишлаб турибди. Бу синфларнинг 26 таси республиканинг вилоят марказларида, 13 таси Тошкент шаҳрида очилган. Ҳозирги вақтда республиканинг ихтисослаштирилган банк синфларида 2200 дан ортиқ ўқувчи таълим олмақда.

Ўрта бўғин мутахассисларини Тошкент, Самарқанд, Андижон, Урганч ва Тўртқўлдаги коллежларда тайёрлаш давом эттирилмоқда. Уларда ҳозир 10 мингдан ортиқ тингловчи таълим олмақда.

Халқаро талабларга жавоб берадиган олий ўқув юртидан кейинги ва академик даражаларда молия-кредит тизимининг юқори малакали кадрларини тайёрлаш, шунингдек молия бозорларини ривожлантириш соҳасидаги фундаментал илмий ҳамда амалий тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида Президент фармонида мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1996 йилда Банк-молия академияси ташкил этилди.

Академия фаолият олиб борган даврда банк-молия ва солиқ ишининг 840 нафардан ортиқ мутахассиси тайёрланди.

Академиянинг банк кадрлари тайёрлаш соҳасидаги иши билан бир қаторда Марказий банк, Давлат Мулки қўмитаси, Қимматли қозғалар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда банк ходимларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш соҳасида фаол иш олиб борилмоқда.

Биргина 2005 йилда Банк-молия академиясининг малака ошириш факультетида таълим олган тижорат банклари мутахассислари сони 1094 нафарни ташкил этди.

(Давоми 3-бетда).

БАНК БОЗОРИНИНГ ЕТАКЧИЛАРИ

Ўзбекистоннинг бешта энг йирик банки орасида (ЎЗР ТИФ Миллий банки, "Пахта Банк" АТБ, "Асака" ДАТБ, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Ипотак банк" АТИБ) кучлар нисбати жорий йилнинг ўтган даври давомида жиддий ўзгаришга учрамади. Активларнинг миқдори бўйича ЎЗР ТИФ Миллий банки ягона етакчи бўлиб қолмоқда.

Бу банк рақобатчиларидан анча ўзиб кетган бўлиб, Ўзбекистоннинг энг йирик банклари рўйхатида бошчилик қилмоқда. 2006 йилнинг биринчи ярмида энг йирик банкларнинг ҳаммаси активлар ҳажмини ошириб борди. Асосий ўзгариш шуки, "Пахта Банк" АТБ Ўзбекистоннинг энг йирик банклари рўйхатида иккин-

стаҳамланиб бораётганлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2006 йил бошларида АТ "Тадбиркорбанк" негизида ташкил этилган "Микрокредитбанк" АТБ тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Устав сармоясининг катта миқдорлиги (банк устав сармоясининг миқдори жиҳатидан Миллий банк ва "Асака" банкидан кейин учинчи ўринда турадиган йирик банкка айланди) микрокредитлаш бозорида банк операцияларини фаол кенгайтириб бориш учун мустаҳкам асос яратади. Активларининг миқдори 146,9 млрд. сўм бўлган "Микрокредитбанк" 2006 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича еттинчи ўринда туради.

Ўзбекистоннинг энг йирик банклари рўйхатида чет эл сармояси иштирокидаги биргина банк - АБН АМРО

Ўзбекистондаги 10 та энг йирик банкнинг 2006 йил биринчи ярмидаги мавқеи

№	Банклар	Умумий активлар млрд. сўм	Бозор улуши, %	Мавқеининг ўзгариши
1	ЎЗР ТИФ Миллий банки*	2886,2	45,9	-
2	"Пахта Банк" АТБ	641,1	10,2	↑ 1
3	"Асака" ДАТБ**	599,2	9,5	↓ 1
4	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ	592,7	9,4	-
5	"Ипотекабанк" АТИБ	425,5	6,8	-
6	Халқ банки	168,5	2,7	↑ 1
7	"Микрокредитбанк" АТБ	146,9	2,3	↑ 1
8	АБН АМРО Банк Ўзбекистон МБ А. Ж.	102,2	1,6	↓ 2
9	"Фаллабанк" РАТБ	95,7	1,5	-
10	"Капиталбанк" АТБ	90,4	1,4	↑ 4

* ва ** - ЎЗР ТИФ Миллий банки ва "Асака" банки активларига доир маълумотлар ташқи аудит натижалари бўйича "Банк ахборотномаси" газетасида 2006 йил май ойида эълон қилинган молиявий ҳисоботлар асосида 2006 йил 1 январ ҳолатига берилди.

чи ўринга кўтарилди.

Йил бошидан бери активларни кўпайтириш бўйича Ўзбекистон Халқ банки (активларнинг ўсиш суръати 71 фоизни ташкил этди) ва "Микрокредитбанк" АТБ (70 фоиз) етакчи бўлди. Иккала банк ҳам энг йирик банклар рўйхатида бир поғонага кўтарилди ва ҳозир тегишлича 6- ва 7-сатрларни эгаллаб турибди.

Чакана омонатлар бозоридаги асосий ўйинчи, шунингдек фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш бўйича вакил банк бўлмиш Ўзбекистон Халқ банки активларининг юқори даражада ўсиши аҳолининг банкларга бўлган ишончи му-

Банк МБ Ўзбекистон А.Ж. бор. "Фаллабанк" РАТБ барқарор суръатда тўққизинчи ўринни эгаллаб турибди. Унинг активлари ҳажми 100 млрд. сўмга яқинлашиб бормоқда. 10 та энг йирик банк орасида битта янги банк - "Капиталбанк" АТБ бўлиб, биринчи ўнликнинг охирида туради. Бу банк охириги бир йил давомида тўрт поғона юқорига кўтарилди.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг "Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компанияси.

«УЙ ОЛДИДАГИ» БАНК

- банк бизнесининг чакана йўналишини экстенсив ривожлантириш учун сўнгги имконият. Тез орада мижозлар учун кураш узил-кесил сервис соҳасига кўчади


Банк бозорининг ўйинчилари омонатчилар ва кредитдорларни жалб этишнинг асосий воситаси бўлган хизматлар ва сервис баҳосини тўхтовсиз такомиллаштириб бормоқдалар. Хизматлар баҳосининг самарадорлиги ҳозирнинг ўзидаёқ охириги нуқтасига етди. Турли банклар таклиф қилаётган фойз ставкалари ўрта-сидаги фарқ амалда йўқолди. Бу эса турли банк хизматлари бозоридаги улуш учун курашда асосий қурол бўлган сервис замонаси келганлигини аниқлатади.

Ҳозирча бозор шундай суръатлар билан ўсиб бормоқдаки, бунда гап мижозларни оғдириб олиш устида бораётгани йўқ. Ҳозирги кунда чакана кредитлаш хизматларига бўлган талаб таклифдан ошиб кетмоқда. Бу ҳол банкларга бизнес ҳажмларини экстенсив йўл билан, хизмат кўрсатиш сифатини ўзгартирмаган ҳолда ошириб бориш имконини берадиган. Айни вақтда банк тизими ривожланиб борган сари рақобат сервис соҳасига кўчади.

Ўзларининг чакана маҳсулотларини ривожлантириб бораётган банк бозори иштирокчилари янги мижозлар жалб этиш устида фаол ишламоқдалар. Банклар шаҳарнинг ҳар бир туманида, вилоят марказлари ва вилоятлардаги туманлар марказларида филиаллар ва офислар очмоқда. Банк аҳоли учун худди дўкон сингари оддий бўлиб қолган ҳаётнинг бир қисмига айланиши керак. Банк хизматлари асосий тўпламини олиш учун мижоз шаҳарнинг ўзига йироқ бўлган қисмига бормаслиги керак - банк офиси ҳамма вақт яқин бўлиши керак.

Аҳолининг молиявий саводхонлик ва банк маҳсулотларининг машҳурлик даражаси ўсиб бормоқда. Омонатчилар сони, шунингдек пластик карточкалар эгаларининг сони кўпайиб бормоқда. Ҳозир банк мижозлари бўлган оддий фуқаролар кредитлашнинг у ёки бу тури бўйича маслаҳат олар эканлар, банк аталарини бемалол ишлатадилар. Бу ҳол кўп жиҳатдан бозордаги йирик ўйинчилар туфайли юз бермоқда. Улар омма орасига молиявий муносабатлар ва ўз маблағларини бошқариш соҳасида янги маданиятни олиб кирмоқдалар.

Мария ВРУБЕЛ.



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

(Давоми. Боши 2-бетда).

Банк-молия академияси билан кадрлар тайёрлаш соҳасидаги биргаликда иш олиб бориш доирасида банк ва молия кадрлари малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этилиб, уларда 2006 йилнинг ўзидаёқ 280 нафар банк ходими таълим олди. Шулардан 214 нафари тижорат банкларининг ходимларидир.

Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида қисқа муддатли курслар, амалий учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказишга катта аҳамият берилмоқда. Уларни ташкил этишда Марказий банк, Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этмоқда. Семинарлар ишида тижорат банкларининг ходимлари ҳам, кичик бизнес субъектлари ҳам қатнашмоқда. Семинарлар иши Тошкент шаҳрида ва республика минтақаларига бориб ташкил этилмоқда.

Молия инфратузилмасини шакллантириш қандай юз берди ва уни янада ривожлантириш йўналишлари қандай?

Инфратузилмани ривожлантириш бозор иқтисодиётининг пойдеворидир. Банклар ассоциацияси давр талабларини ҳисобга олиб, ўз фаолияти йилларида Ўзбекистон молия бозорида сифатли хизматлар кўрсата оладиган қудратли замонавий молиявий инфратузилмани яратди. Ҳозирги кунда универсал молия компаниялари қимматли қоғозлар бозорида барча молиявий хизматларни, суғурта, лизинг, инжиниринг, ахборот ва траст хизматларини, пластик карточкаларга асосланган ҳисоб-китобларни жорий этиш бўйича ва бошқа хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Банклар билан суғурта компаниялари ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмни такомиллаштириш ҳамда кредит қайтарилишини таъминлашнинг кафолатларини яратадиган ва банк фаолияти субъектларини суғурталашга жалб этишни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида "IShONCh" Банклараро суғурта компанияси ташкил этилди. Бу компания мана 10 йилдирки, суғурта хизматлари бозорида муваффақиятли ишлаб келмоқда. "IShONCh" БСК МЧЖ суғурта фаолиятининг ҳамма йўналишларида суғурта операцияларини амалга ошириш бўйича лицензияланган ҳуқуқларни олган Ўзбекистондаги биринчи суғурта компаниясидир.

Ҳозир компания фаолиятидаги иккита асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар:

- тижорат банкларининг манфаатларини суғурта билан ҳимоялаш, яъни банкларнинг ички хатарларини суғурталаш;
- банк мижозларининг мулкӣ ва шахсий манфаатларини суғурта билан ҳимоялаш, яъни ташқи банк хатарларини суғурталаш.

Компания мутахассислари томонидан турли фаолият соҳаларининг хусусиятларини ҳисобга оладиган бир қатор суғурта дастурлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, уларни ҳозирги кунда тижорат банклари ҳам, уларнинг мижозлари ҳам сотиб олиши мумкин.

Банкларнинг сармоясини лизинг хизматлари кўрсатиш учун жамлаш ҳамда банкларни лизинг хизматлари бозорида жалб этиш мақсадида Банклар ассоциацияси томонидан "Барака" универсал лизинг компанияси ташкил этилди.

"Барака" УЛК ОАЖ Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки, "Ипак йўли" АТИБ, "Микрокредитбанк" АТБ билан яқин ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

Компания 18 та тижорат банки билан лизинг хизматлари бозорида биргаликда фаолият кўрсатиш ҳақида бош битим тузган бўлиб, у йирик лизинг лойиҳаларини биргаликда молиялашши, банклар лизинг операцияларни ташкил этишида компания томонидан услубий ва амалий ёрдам берилишини назарда тутди.

2005 йил бошида "Барака" компанияси биргаликда фаолият кўрсатиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси (ССП) билан бош битимни тузди. ССП билан биргаликда кичик бизнес вакиллари, шунингдек деҳқон ва

фермер хўжаликлари учун мамлакат минтақаларида қатор семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Бу семинарлар тадбиркорларга лизинг билан боғлиқ зарур тушунтириш ва маслаҳатлар олишгагина эмас, балки лизинг шартномасини тузишга ҳам имкон беради.

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш, пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш, аҳолидан пластик карточкалар воситасида тўловлар қабул қилиш бўйича терминаллар тармоғини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2004 йилдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-сонли Қарорига мувофиқ банклар ассоциацияси хузуридаги Банклараро процессинг маркази негизда 18 та тижорат банкининг тўлов тизимларини бирлаштирган Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Ушбу Марказ доирасида сўмдаги пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклараро тўлов тизими (БТТ) ташкил этилди. Марказ мажлисларида тижорат банклари томонидан пластик карточкалар воситасидаги ҳисоб-китобларни кенгайтириш юзасидан олиб борилётган ишлар самарадорлигини ошириш масалалари ўз вақтида ҳал қилинмоқда. Банклараро тўлов тизимининг ташкил этилиши пластик карточкалар воситасидаги ҳисоб-китоб қилишни муваффақиятли жорий этиш ва ривожлантириш, шунингдек жойлашган еридан қатъи назар ишлаб чиқарувчилар билан пластик карточкаларнинг эмитентлари ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш имконини берди.

Қарз олувчиларнинг кредит тарихини яратиш учун кредит ахборотини алмашиш тизимини такомиллаштириш ва маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида "Банклараро кредит бюроси" шўъба корхонаси Ўзбекистон Республикаси

Банклараро тўлов тизимининг ташкил этилиши пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилишни муваффақиятли жорий этиш ва ривожлантириш, шунингдек жойлашган еридан қатъи назар ишлаб чиқарувчилар билан пластик карточкаларнинг эмитентлари ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш имконини берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 23.04.2004 йилдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи ҳақидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 197-сонли қарорига мувофиқ, "BANKLARARO KREDIT BYUROSИ" МЧЖга айлантилди. Бу жамиятнинг асосий мақсади қарз бериш ҳақида қарор қабул қилиш чоғида қарз олувчилар ҳақида банкларнинг оператив тарзда хабардор бўлиш даражасини ошириш йўли билан кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

2005 йил охиридаги ҳолат бўйича "BANKLARARO KREDIT BYUROSИ" МЧЖ томонидан маълумотлар базаси ташкил этилиб, унда қуйидаги ахборот мавжуд:

- 360 минг корхона ва ташкилот бўйича рўйхатга олиш маълумотлари;
- тижорат банкларининг охириги 5 йилдаги 240 минг мижози бўйича маълумотлар;
- 88 мингта кредит тарихи (ҳозирги кунда 117 мингта кредит тарихи) бўйича маълумотлар.

Тижорат банклари билан "BANKLARARO KREDIT BYUROSИ" МЧЖ ўртасида on-line режимида ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилди.

Тижорат банкларига ва молия ташкилотларига техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда маслаҳатлар бериш учун "BANKLARARO MASLAHAT XIZMATI" МЧЖ ташкил этилди.

"BANKLARARO MASLAHAT XIZMATI" МЧЖ жорий этишга муваффақ бўлган энг муҳим янгиликлар жумласига пул маблағлари Банклараро электрон бозори (БЭБ) ишлаб туришининг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилганлигини киритиш мумкин. Мамлакатда биринчи марта Банклар ассоциацияси хузурида банклараро бозор-

нинг молиявий индикаторлари тизими:

- UZIBOR (пул маблағларини сотувчининг ставкаси);
- UZIBID (жалб этиш ставкаси);
- UZIAR (сотувчи билан харидор ставкалари ўртасидаги ўртача медиана) яратилди.

Молиявий индикаторларнинг ҳолати тўғрисида доимий ахборот билан таъминлаш механизми яратилди. Пул маблағлари банклараро бозорининг индикаторлари ҳақидаги ахборот www.uzibor.com сайтда ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилмоқда.

Бутун молия бозорларининг ва хусусан банк тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бозор иштирокчиларининг ошкоралик даражасига ҳамда кредит хатарлари тўғрисида ҳолисона ва мустақил ахборот мавжуд бўлишига боғлиқ. Ушбу вазифани ҳал қилишнинг энг оптимал усули жамоатчиликни тижорат банклари, корхоналар ва қимматли қоғозларнинг эмитентлари мижозлар, кредиторлар, инвесторлар ва ишбилармон шериклар олдигаги ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бериш қобилияти ҳақида хабардор қилишга қаратилган кредит рейтингларидан фойдаланишдан иборатдир. "Ахборот рейтинг" банклараро рейтинг компанияси" шўъба корхонаси тижорат банкларига рейтинг хизматлари кўрсатиш ва ахборот-таҳлилий маҳсулотлар бериш билан шуғулланади. Банкларнинг рейтинглари уфулланиб ошқоралиги ва жавобгарлиги ошишига ёрдам бермоқда, чунки рейтинг натижалари оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

2005 йил декабр ойида "Ахборот-рейтинг" БРК Марказий Осиё минтақаси бўйича биринчи бўлиб Осиё кредит рейтинглари агентликлари ассоциацияси (Association of Credit Rating Agencies in Asia - ACRAA)га аъзо бўлди.

Компания ўз мижозларига кўпдан-кўп хизматларни, шу жумладан кредит рей-

рини ишонч асосида бошқариш юзасидан хизматлар кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик тузилмаларига ва жисмоний шахсларга биржа бозорида товарлар, кўчмас мулк сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ ўзига хос хизматларни кўрсатиш, шунингдек тижорат банкларига уларнинг ўз мол-мулкни ҳам, актив операциялар ўтказиш жараёнида олинган мол-мулкни ҳам сотиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси хузурида "УБА Универсал биржа маркази" (УБМ) МЧЖ ташкил этилган ва у муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Марказ фаолиятида банк институтларига ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда УБМ мамлакатнинг деярли барча тижорат банклари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини фаоллаштириш, қимматли қоғозлар бозоридаги муқобил майдончалар ва электрон савдо тизимларини ривожлантириш мақсадида Банклар ассоциацияси тижорат банкларининг ташаббускор гуруҳи билан биргаликда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдо қилиш ихтисослаштирилган тизимини - "Banklararo savdo tizimi" (БСТ) МЧЖни ташкил қилди.

БСТ қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари уюшган савдони самарали ривожлантириш учун янги имкониятлар яратишни, улушли ва ҳосила қарз воситалари иккиламчи бозорини фаоллаштиришни ўзининг вазифаси қилиб белгилади. БСТнинг асосий вазифаси инвестиция бизнесининг мавжуд тўғанокларини ва ноқулайликларини бартараф этиш ҳамда соддалаштирилган схема бўйича савдолар ўтказишдан иборат.

Банклар ассоциацияси "Хамроҳ Лойиҳа Инвест" кўшма корхонасининг ҳаммуассисидир. Бу корхона лойиҳа-инжиниринг хизматларини кўрсатади. Корхонанинг фаолияти инвестиция ва бизнес лойиҳаларини баҳолаш масалалари юзасидан маслаҳатлар бериш, техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш, бозорни тадқиқ этиш, лойиҳаолди ишларини амалга ошириш, объектлар қурилиши учун тўла ҳажмда эскиз лойиҳаларини ва лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, банк объектлари қурилиши учун контракт ҳужжатларини тайёрлаш, тақлифларни баҳолаш, ишларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, қурилиш ҳақида техникавий хулосалар тайёрлаш каби йўналишларни қамраб олади.

"Moliya Binokor Xizmat" шўъба корхонаси фаолиятининг асосий йўналишлари ижарачилар жалб этиш ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси Банклараро молиявий хизматлар маркази биносидаги офис хоналарини ижарага бериш бўйича агентлик вазифаларини амалга оширишдан иборат.



Банклар ассоциациясининг банк ходимларини соғломлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш Дастурини амалга ошириш мақсадида 2006 йил март ойининг охирида Банклараро спорт-соғломлаштириш маркази ташкил қилинди. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ушбу марказга УЭР ТИФ Миллий банкидан ишонч асосида бошқаришга қабул қилинган спорт мажмуасидан иборат мол-мулкни фойдаланиш учун топширди.

Банк ходимлари Ўзбекистон банклари ассоциацияси ўз қатнашчилари бўлган банкларнинг манфаатларини ифода этишини яхши билишди. Қатнашчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай тарзда муҳофаза этилмоқда?

УБА банкларнинг манфаатларини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларда ифодаламоқда, банкларга реал амалий ҳуқуқий ёрдам бермоқда, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда қатнашмоқда.

Ассоциация экспретлари хўжалик низоларини кўриб чиқишда ва суд органларида тижорат банкларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фаол қатнашмоқда.

(Охири 4-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

(Давоми. Боши 2-3-бетларда).

Банклар ассоциацияси тижорат банклар билан биргаликда банк соҳасидаги ислохотларга ёрдам бериш бўйича турли йўналишларда еттига қўмита ташкил этган. Бу йўналишлар, хусусан, банк қонунчилигини, тўлов тизимларини, ахборот ва коммуникация технологияларини, молиявий ҳисобот халқаро стандартларини жорий этишни, аудит ва солиққа тортишни, банкларнинг лизинг, сугурта, траст, инвестиция ва инновация фаолиятини, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, ташқи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади.

Ушбу қўмиталар доирасида банклар ассоциацияси банк мутахассислари ва экспертларни жалб этган ҳолда банклар фаолиятида ишнинг турли йўналишларида муаммолар туғилишининг сабабларини ўрганмоқда, ушбу масалаларни ҳал қилиш юзасидан аниқ тавсиялар ва таклифлар берилган эксперт хулосаларини тайёрламоқда.

Банклар ассоциацияси экспертларнинг эътибори доимо тижорат банкларнинг фаолиятини тартибга солидиган амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ҳам, уларнинг лойиҳаларини ҳам ўрганиш ва экспертиза қилишга қаратилган.

Масалан, Банклар ассоциацияси ташаббус билан тижорат банкларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, улар Марказий банк билан келишилди ва республика Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси билан биргаликда молия-банк секторини такомиллаштириш юзасидан Бизнес-форум мажлисларини мунтазам ўтказиб туриш йўлга қўйилди.

ЎБА Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда банкларро электрон ҳисоб-китоблар тизимини яратиш ва ривожлантиришда фаол қатнашиб келмоқда. Бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилди ва яна қандай вазифаларни ҳал қилиш керак бўлади?

Тижорат банкларига пул маблағлари банкларро бозорида кредит ресурслари билан савдоларни ўтказишда ёрдам бериш учун банкларро электрон бозорда кредит ресурслари билан кундалик савдоларни ўтказиш ва пул бозори индикаторлари тизимини такомиллаштириш соҳасида туркум чоралар ишлаб чиқилди. Мана шу туркум чоралар асосида 17 та тижорат банки томонидан "Пул ресурслари банкларро бозорининг индикаторларини шакллантириш ҳақида" меморандум имзоланди, пул ресурслари банкларро бозорининг иштирокчилари бўлган ҳамма банкларда "Deposit market" дастури жорий этилиб, унинг воситасида UZIBOR, UZIBID, UZIAR молия индикаторлари мунтазам равишда шакллантирилиши таъминланмоқда.

Бундан ташқари пул маблағлари билан электрон савдо олиб бориш тизимида қатнашувчи тижорат банкларнинг мутахассислари учун мунтазам равишда ўқув семинар-тренинглари ўтказилмоқда.

Ҳозирги вақтда пул маблағлари банкларро бозорида ишлаш учун дастурий маҳсулот ўрнатиш бўйича тижорат банклар билан олиб борилаётган иш давом эттирилмоқда.

Кўчмас мулк бозорида банкларнинг ўз мол-мулк ҳамда актив операциялар ўтказиш жараёнида олинган мол-мулк бўйича сотиш операцияларини амалга оширишда тижорат банкларига ёрдам бериш мақсадида республиканинг 9 та вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида ҳар куни "Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг универсал биржа маркази" МЧЖ электрон савдолари ўтказилмоқда.

2005 йил мобайнида умумий суммаси 113146,2 млн. сўм бўлган 8455 та объект биржа савдоларига қўйилиб, шу-

лардан 6426 та объект сотилди. Бу эса сотувга қўйилган объектларнинг 76 фоизини ташкил қилади ва олдинги йил кўрсаткичларидан икки баравардан ҳам ортди.

Тижорат банклари 61566,4 млн. сўмлик 2445 та объектни савдога қўйдилар. Шулардан 1902 та объект, яъни ҳамма объектларнинг 77,8 фоизи сотилди. Бу эса аввалги йилнинг шундай кўрсаткичларидан 8,5 баравар ортди бўлди.

Жорий йилнинг 6 ойида 76,4 млрд. сўмликка яқин 4413 та кўчмас мулк объектни савдога қўйган бўлсалар, ҳисобот даврида бу рақамлар тегишлича 24,9 млрд. сўм ва 457 тани ташкил қилди.

Банклар томонидан сотувга қўйилаётган объектлар сони ва ҳажмларининг ўсиши тижорат банкларнинг ишончи ўса бошлаганидан далolat беради. Чунки, агар тегишли даврда банклар умумий суммаси 2,2 млрд. сўм бўлган 105 та объектни савдога қўйган бўлсалар, ҳисобот даврида бу рақамлар тегишлича 24,9 млрд. сўм ва 457 тани ташкил қилди.

"ЎБА универсал биржа маркази" МЧЖнинг тижорат банклар билан ишони фаоллаштириш учун бир қатор чоралар кўрилди:

- сотилмаган мол-мулк ҳақидаги маълумотлар банки тузилиб, бу маълумотлар банкларнинг жойлардаги филиалларига ушбу мол-мулкни сотишда амалий ёрдам кўрсатиш учун улар билан бирга-

Банкларро савдо тизими тижорат банкларини инвестиция жараёнларига, иқтисодий таркибий ўзгаришларга жалб этиш ва уларни бунда кенг иштирок эттириш йўли билан қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига ёрдам бермоқда ҳамда рўйхатдан ўтказилган иштирокчилар учун инвестиция воситачисининг лицензиясиз электрон савдолар тизими ёрдамида масофадан туриб қимматли қоғозлар савдосини ўтказишни ташкил этмоқда.

ликда иш олиб бориш мақсадида вилоят филиалларига етказилди;

- биржанинг вилоят филиаллари томонидан банкларнинг вилоят филиаллари билан ҳамкорлик қилиш масалалари ишлаб чиқилди;

- янги брокерлик жойлари очилди - бугунги кунда биржа ҳузурида 237 нафар брокер аккредитациядан ўтказилди;

- биржа савдолари учун савдо зали кенгайтирилди;

- бош офис ва филиаллар модернизация қилинди;

- ягона биржа электрон савдолари янги дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилди;

- электрон биржа савдоларининг янги ягона дастурини ўзлаштириш бўйича вилоят филиаллари маклерларини ўқитиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Тижорат банкларнинг ташаббускор гуруҳи билан бирга муқобил ихтисослаштирилган савдо майдончаси - "Banklararo savdo tizimi" МЧЖ ташкил этилди. Банкларро савдо тизими тижорат банкларини инвестиция жараёнларига, иқтисодий таркибий ўзгаришларга жалб этиш ва уларни бунда кенг иштирок эттириш йўли билан қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига ёрдам бермоқда ҳамда рўйхатдан ўтказилган иштирокчилар учун инвестиция воситачисининг лицензиясиз электрон савдолар тизими ёрдамида масофадан туриб қимматли қоғозлар савдосини ўтказишни ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда "Banklararo savdo tizimi" савдоларида 11 та тижорат банки қатнашмоқда, кейинчалик бошқа тижорат банкларини жалб этиш ҳисобига иштирокчилар сонини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

- Ҳозир банк ҳамжамиятининг ахборот жихатидан тиниқлигини оши-

риш зарурлиги ҳамма томонидан эътироф этилган. Ассоциация бу соҳада қандай чоралар кўрмоқда?

- ЎБА тижорат банкларига улар фаолиятини тарғиб қилишда, ахборот таъсирини кенгайтиришда ва жамиятда яхши имижни шакллантиришда ёрдам кўрсатиб келмоқда. 1997 йилдан бошлаб "Ахбор-рейтинг" банкларро рейтинг компанияси томонидан Ўзбекистон тижорат банклари фаолияти мунтазам равишда рейтинг асосида баҳолаб келинмоқда.

Компаниянинг кредит рейтинглари соҳасидаги хизматлари ва маҳсулотлари бозор иштирокчиларининг тиниқлиги ва масъулиятини ошириш учун мўлжалланган.

Банк фаолиятининг турли жиҳатларини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Банклар ассоциацияси ҳузурида Банк таҳлилчилари клуби ташкил этилган бўлиб, унинг фаолиятининг асосий йўналишлари амалий ва назарий масалаларни, шунингдек банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни муҳокама қилиш; тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солидиган меъёрий-ҳуқуқий базани ўрганиш; чет эл тижорат банклари фаолияти тўғрисида таҳлилий базани шакллантириш; тижорат банкларининг рейтинглари ва улар кўрсатаётган хизматлар тўғрисида ахборот тўплаш ва уни қайта ишлаш ҳамда бошқалардан иборат.

Иш тажрибасини алмашиш, тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ энг долзарб масалаларни муҳокама қилиш

фаол қатнашмоқда. Комиссиянинг биринчи мажлиси 2005 йил 28 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Кичик комиссия иши доирасида Банклар ассоциацияси зиммасига банк соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, тўлов-ҳисоб-китоб, кредит-молия муносабатларини ҳамда инвестиция фаолиятини такомиллаштириш, тажриба ва ахборот алмашишни ташкил этиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Бу йил "Ипотекани кредитлаш: халқаро тажриба, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари" мавзуда Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда ва аҳоли турмуш даражасини оширишда ипотекани кредитлашнинг аҳамияти, ипотекани кредитлаш бозорини ривожлантиришда банк секторининг иштирокчи фаоллаштириш йўллари, ипотеканинг ресурс базасини шакллантиришга бозор талаблари асосида ёндашиш ва бошқа шу каби масалалар кўриб чиқилди.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда бундай конференция биринчи марта ўтказилди ва у Россия билан Ўзбекистон Республикасининг банк институтлари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни амалда рўёбга чиқариш намуналаридан бири бўлди.

Ўзбекистон тижорат банклари раҳбар ходимлари ва мутахассисларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш юзасидан Россия банклари ассоциациясининг Банк иши институти билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди.

Ўзбекистон банклар ҳамжамиятининг банк имкониятларидан халқаро иқтисодий ҳамкорликда янада самарали фойдаланиш соҳасидаги куч-ғайратларини мувофиқлаштириш мақсадида, шунингдек иштирокчи мамлакатлар ўртасида молия воситаларини такомиллаштириш, банк қонунларини такомиллаштириш ва бирхиллаштириш, банклар ўртасида хизмат кўрсатиш, товарлар, хизматлар ва сармояларнинг ҳаракатини банк томонидан кузатиб бориш, ахборот алмашиш, банк кадрларининг профессионал даражасини ошириш соҳасидаги интеграция жараёнларини жадаллаштириш ва фаоллаштириш учун Ўзбекистон банклари ассоциацияси Халқаро банк Кенгашининг аъзоси бўлди.

Россия минтақавий банклари ассоциацияси, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари банк ассоциацияси, МДХ мамлакатлари банклари ассоциацияси ва бошқалар ушбу Кенгашнинг иштирокчилари.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари банк ассоциациялари Халқаро мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамкорлиги доирасида ипотекани кредитлаш назарияси ва Венгрия амалиёти билан таълим мақсадида тижорат банклари делегацияларининг Будапешт шаҳрига (Венгрия) сафари ташкил этилди. Бу сафар Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мутахассисларига Венгриянинг банклари ва бошқа молия институтларидаги ипотекани кредитлаш тизими ва механизмлари ҳақида тўла-тўқис тасаввурга эга бўлиш имконини берди. Бу тизим ва механизмлардан республикада ипотека ва уй-жой қурилишининг ўз схемаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистон аҳолисини мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги билан табриклаймиз. Ўзбекистон банклари ассоциацияси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажара бориб, бундан буён ҳам мамлакат банк тизимини ривожлантиришга ва мустақил республикамизнинг иқтисодий кудратини мустаҳкамлашга қўлидан келганча ҳисса қўшади.

Лола АБДУАЗИМОВА ёзиб олди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИХЧАМ УСКУНАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМА-САВДОСИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий, илғор минитехнологиялар ва ускуналар билан таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уларни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишга ва шу асосда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашни таъминлаш, сифатли, рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмасининг:

2006 йил 21 октябрдан 10 ноябргача Тошкент шаҳрида «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖнинг кўргазма майдонларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказиш тўғрисидаги;

2006 йилнинг 10 ноябридан бошлаб «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖ ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ускуналарнинг доимий ишлайдиган кўргазма-савдосини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосига минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий компанияларни кенг қўламда жалб қилиш ва уларнинг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖнинг кўргазма майдонлари кўргазма иштирокчиларига текин берилиши белгилаб қўйилсин.

2. Қуйидагилар:

қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг таркиби 1-иловага мувофиқ; қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган

кўргазма-савдоси («Uzbekistan Agrominitech Expo-2006»)ни ўтказишнинг мавзу-экспозиция режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита (Ш. М. Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда шу йилнинг 20 октябргача Германия, Венгрия, Италия, Бельгия, Австрия ва бошқа мамлакатлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарадиган етакчи компанияларни кўргазма-савдода қатнашишга жалб этиш бўйича фаол реклама-ахборот ва ташкилий ишларни олиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари, шунингдек республиканинг барча минтақаларидаги агрофирма ва фермер хўжаликларининг вакиллари томонидан кўргазмани бориб кўриш жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари ва лизинг компаниялари билан биргаликда кўргазма доирасида импорт минитехнологиялари асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга тааллуқли тематик семинарларни 4-иловага мувофиқ ташкил қилсин;

кўргазма қатнашчилари орасида тарқатиш учун чет элларда ишлаб чиқариладиган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг батафсил каталогини нашр этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Савдо-саноат палатаси ҳамда Фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ўн кун муддатда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар томонидан эҳтиёж мавжуд бўлган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг турлари бўйича таклифларни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Ўзбекистон Республикасига 2 йилгача бўлган муддатга минитехнологиялар ва ихчам ускуналар намуналарини вақтинча олиб кириш режимида кейинчалик уларни тузилган импорт ёки лизинг шартномалари асосида агрофирмалар ва фермер хўжаликларига сотилишига шароит яратиш учун, истисно тариқасида, божхона тўловларисиз расмийлаштирсин.

Кўргазма-савдоларда иштирок этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар олиб келувчи компаниялар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шунингдек мазкур минитехнологиялар ва ускуналарни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг талабномаларига кўра кўргазманинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан тезкор расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказиладиган жойлар ва кўргазма иштирокчиларининг яшаш жойларида тўлов ундирилмаган ҳолда жамоат тартиби сақлашни таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси иши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 август.

ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР НАМОЙИШИ

Кеча, 5 сентябр куни Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар мажмуасида «Ўзбек-кенгилсаноат» ДАК, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «Ўзбек ипаги» уюшмасининг расмий кўмагида ташкил этилган «Textile Expo Uzbekistan – 2006» 3- Марказий Осиё халқаро кўргазмаси иш бошлади.

«Textile Expo Uzbekistan – 2006» – Марказий Осиёдаги тўқимачилик соҳасига бағишланган энг йирик кўргазма бўлиб, тўқимачилик саноати техникаси, хом ашё ва технологиялари ишлаб чиқарувчилар билан бевосита амалий мулоқотлар ўрнатиш имконини беради. Кўргазма иккита – «тўқимачилик техника ва технологиялари» ҳамда «тайёр тўқимачилик ва тери маҳсулотлари» йўналишлари бўйича ташкил этилган бўлиб, унда табиий ва кимёвий толалар учун тўқув ускуналари, трикотаж ишлаб чиқариш техникалари, тикув машиналари, пойабзал ишлаб чиқариш технологиялари, тўқимачилик соҳасида атроф-муҳит ҳимояси, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари каби ўнлаб турдаги маҳсулот ва хизматлар тақдим этилмоқда.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг энг истиқболли тармоқларидан бири бўлган енгил саноат, жумладан, тўқимачилик саноати юксак стратегик мавқени эгаллаб, аҳолининг катта қисмини иш билан таъминламоқда. Республикада ишлаб чиқарилаётган экспортбop ва рақобатбардош маҳсулотларнинг салмоқли улуши тўқимачилик соҳасига тўғри келиши ҳам фикримиз исботидир. Ўзбекистон тўқимачилигининг бу борада эришаётган ютуқларида Тошкентда ўтказиб келинадиган «Textile Expo Uzbekistan» кўргазмаларининг аҳамияти каттадир. Хусусан, бу йил кўргазма Германия, Италия, Туркия, Россия каби жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатларидан 160 га яқин фирма ва компанияларни жамлади. Улар сирасида «Адер Макина» (Туркия), АКAB (Швейцария), China Technatech (Хитой) каби соҳанинг етакчи компаниялари борлиги тадбир нуфузини янада оширди.

Кўргазмада ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз маҳсулотларини кенг қўламда намойиш этмоқдалар.

Маҳаллий иштирокчиларнинг сони бу йилги кўргазмада ўтган йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ўсганлиги мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Шуниси қувонарлики, бу йил юртимиз тўқимачилик саноати вакиллари тақдим этаётган маҳсулотлар тури ҳам анча кенгайган. Айниқса, мамлакатимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг рангбаранг тайёр маҳсулотлари кўргазма меҳмонлари эътиборини ўзига жалб этмоқда. Хусусан, кўргазмада қатнашаётган «Бурсел Тошкент Текстил», «Текстил Импекс» ва «Акким Текстил» каби корхоналарда тайёрланган кийим-кечаклар бугунги кунда дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт қилинмоқда. Мутахассислар кўргазманинг соҳа имкониятларини тўлиқроқ очиб беришдаги ролини юқори баҳоладилар.

«Textile Expo Uzbekistan – 2006» кўргазмаси ўзбекистонлик мутахассисларга энг замонавий ишлаб чиқариш техникалари билан яқиндан танишиш имконини беради, – деди биз билан суҳбатда «Ўзбек ипаги» уюшмаси бошқаруви раиси Абдуваҳоб Эргашев. – Турли мамлакатлар вакиллари билан бевосита учрашиб, музокаралар ўтказиб, янги лойиҳаларни йўлга қўйиш ниятидиз. Бу ерда бир қанча чет эл ишлаб чиқарувчиларининг техникалари намойиш этиляпти. Биз ушбу техника ва технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйишни таклиф қиламиз.

Кўргазма фаолияти янги танишувларга, амалий учрашувлар ва музокараларга бой бўлмоқда. Шу сабабли «Textile Expo Uzbekistan – 2006» кўргазмаси Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини янада оширишга ва соҳага жалб этилаётган инвестициялар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Алишер ДАВЛАТОВ.

ХИТОЙНИНГ МУҲАНДИСЛИК- ТЕХНИКА КЎРГАЗМАСИ

Хитойнинг муҳандислик-техника кўргазмаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг расмий ёрдамида шу йил 26-28 сентябрда «Ўзэкспомарказ» МКК биринчи павильонида бўлиб ўтади.

Кўргазмада Хитойнинг энг йирик муҳандислик, қурилиш ва юқори технологик компаниялари, чунончи Huawei Technologies Co Ltd., Нинся қурилиш корпорацияси, «Техноимпорт» техника импорти ва экспорти бўйича компанияси ва кўпгина бошқа компаниялар қатнашади.

ХХРнинг Тижорат вазирлиги кўргазма ташаббускори, «ГЕНЕРТЕК» Халқаро реклама-кўргазма компанияси унинг ташкилотчиси бўлди.

«ДЕМОМАТ-2006»

Ўзбекистонлик тадбиркорлар 2006 йил 8 сентябрдан 10 сентябргача Бельгиянинг Монс шаҳрида бўлиб ўтадиган қурилиш саноати соҳасидаги «Demomat-2006» халқаро кўргазмасида иштирок этиш имкониятига эга.

«Demomat-2006» кўргазмасининг асосий мақсади қурилиш соҳасидаги маҳсулот ва хизматларни, шунингдек ускуналарни кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари кўргазма жараёнида бу соҳадаги энг янги ютуқларни, шунингдек қурилиш материаллари ва техникани намойиш қилиш мўлжалланмоқда.

Ушбу кўргазма икки йилда бир марта Бельгиянинг Монс шаҳридаги «Mons Expo» кўргазмалар мажмуида ташкил этилади. Кўргазма ташкилотчилари берган ахборотга кўра 2006 йилда Европадаги 120 дан ортиқ компания «Demomat-2006» кўргазмасида қатнашишни режалаштирмоқда.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТ-ГАЗ СОҲАСИДА ЯНГИ БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Хукумати билан "Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компанияси, Россиянинг "Лукойл Оверсиз", Малайзиянинг "Petronas", Кореянинг KNOС ва Хитойнинг CNPC компанияларидан иборат халқаро консорциум мамлакат шимоли-ғарбида Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли қисмидаги нефт-газ конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш ҳамда конлар қазиш лойиҳаси бўйича фойдани тақсимлаш битимини (ФТБ) имзоладилар, деб хабар қилди журналистларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Эрғаш ШОИСМЕТОВ.

ФТБ 35 йил муддатга имзоланди. Битим шартларига кўра, консорциум қатнашчиларининг ҳар бирига дастлабки босқичда қазиб олинган маҳсулотнинг 10 фоизи тегади, Ўзбекистоннинг энг кам улуши 50 фоиз бўлади.

Биринчи босқичда уч йил давомида минимал дастур доирасида 2,3 минг км ҳажмида сейсмик-қидирув ишлари ўтказилади ва молиявий харажатлари камида 99,8 млн. АҚШ доллари тенг икки та қидирув қудуги қавланади. Куз-қиш даврининг иқлим шароитларини ҳисобга олиб, сейсмик ишлар 2007 йил апрел ойида бошланади.

Геология-қидирув ишларининг биринчи босқичи якунлари бўйича кўп вариантли техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилиб, шундан кейин ФТБ тижорат шартлари келишилади. Сўнгра иккинчи босқич ишлари амалга оширилади.

2005 йил сентябр ойининг бошларида лойиҳа иштирокчилари лойиҳа бўйича инвесторлар консорциумини ташкил этиш ҳақида битим имзолаган эдилар.

Битим шартларига кўра консорциумнинг ҳар бир иштирокчиси тенг улушга эга.


"Ўзбекнефтегаз" маълумотларига кўра охириги йилда контрактда кўзда тутилган участка жойлашган Устюрт минтақасида саккизта газ конденсати конлари очилган эди.

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистоннинг Устюрт нефт-газ минтақасидаги углеводородларнинг саноат захиралари ўсиши 2005-2020 йилларда 620,4 млн. тонна шартли ёнилғини ташкил этади. Хусусан, табиий газ захираларининг ўсиши беш йил ичида 579 млрд. куб метрни, суяқ углеводородлар захираси – 41,4 млн. тоннани ташкил этади.

Углеводородларнинг тахмин қилинаётган истиқболли ресурслари 2005 йил 1 январ ҳолатига газ бўйича 5,903 трлн. куб метрни, нефт ресурслари – 817,7 млн. тоннани, конденсат ресурслари – 360 млн. тоннани ташкил қилади.

"Туркистон-пресс" НАО.

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» ЖУРНАЛИ – 10 ЁШДА!



Истиқлолнинг 15 йиллиги шодиёналари ҳукм суриб турган шу кунларда юртимиздаги йирик иқтисодий нашрлардан бири - "Бозор, пул ва кредит" журналининг 1-сон чикқанига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан журнал жамоасини самимий муборакбод этамиз.

Таъкидлаш керакки, ўтган қисқа давр мобайнида журнал мамлакатимиздаги нуфузли нашрлар орасида ўзининг муносиб, бетакрор ўрнига эга бўлди. Тахририят жамоасининг ижодий саъй-ҳаракатлари ўлароқ, "Бозор, пул ва кредит" ҳам илм аҳли ва амалиётчи банкирлар орасида, ҳам профессионал бизнес доираларида бирдек обрў қозонган. "Бозор, пул ва кредит" журналининг энг катта бойлиги унинг юксак малакали кадрларидир. Ушбу нашр ўзининг ижодий ёндашуви, қатъий услуби, мавзуларни ёритишдаги вазминлиги ва ишончилиги ҳамда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида молия бозорини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиши билан ажралиб туради.

"Бозор, пул ва кредит" журналы мутахассислар ҳамда кенг аҳоли қатламларини Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан банк-молия соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, соҳадаги илмий ва амалий янгиликлар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан таништириб боришда катта жонбозлик кўрсатмоқда.

Биз яна бир бор журнал жамоасини 10 йиллик юбилейлари билан қутлаб, кейинги ўн йилликларда шу кунга қадар эришган салоҳиятни ошириб, ижодий ютуқлар, иқтидорли муаллифлар ва янги-янги гоёлар билан бойиб боришини тилаймиз.

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, ижодий кўтаринкилик, оилавий бахт ва тўқинчилик ёр бўлсин!

"Банк ахборотномаси" ва "Банковские ведомости" газеталари ижодий жамоаси.

• Жаҳон янгиликлари

ЕВРОПА МАРКАЗИЙ БАНКИ СТАВКАЛАРНИ ОШИРМОҚЧИ

Европа Марказий банки (ЕМБ) кредитлар бўйича ҳисоб ставкасини 3 фоиз даражасида қолдирди. Экспертлар ЕМБ директорлар кенгаши таътилдан кейинги ўзининг биринчи мажлисида кескин қадамлар ташламаслигига шубҳа қилмаган эдилар. Лекин Жан-Клод Трише идораси октябр ойида ставкани барибир оширажагига шама қилди. Гарчи Евроминтақасида инфляция август ойида 2,3 фоизгача пасайган бўлса-да, ЕМБ белгилаган 2 фоизлик лимитга ҳали анча бор.

"Инфляция аввалги даражасида – нархлар барқарорлигига хатар туғдирадиган даражада сақланиб қолиши кутилмоқда, – деди Трише матбуот аңжуманида. – Биз хатарларнинг олдини олиш ва нарх-наво

соҳасида барқарорликни сақлаб туриш учун вазиятни диққат билан кузатиб боришни кафолатлаймиз".

Лекин таҳлилчиларда иқтисодий қарз маблағлар қиймати оширилишига чидай олишига шубҳа билан қарашмоқда. Ташвишли аломатлар бор, шулардан биттаси – август ойида минтақадagi айрим мамлакатларда ва бутун Евроминтақадa истеъмолчилар ишончи индекси пасайганлигидир. Гарчи ҳозир Евроминтақанинг иқтисодий ўсиш суръатлари сўнгги 4 йилда рекорд даражада бўлса-да, бироқ кредитлар бўйича катта ставкалар юқори даражали инфляция билан қўшилиб, ишдаги фаолликни сўндириши мумкин.


БАНКОМАТ БИЛАН ЎЙНАЙСИЗМИ?

Молиячилар ўз мижозларини янги-янги гоёлар билан хурсанд қилишдан тўхташмаяпти. Яқинда Япониядаги Ogaki Kyoritsu банки раҳбарлари миясига ўзига хос гоё келганлиги ҳақида хабар тарқалди – мижоз банкоматдан пул ола туриб, озроқ бойиб олиши мумкин. Банк операцияси тугаши биланоқ Ogaki Kyoritsu Bank банкоматлари экранда рулетка гилдираги пайдо бўлади. Бир оз омад чопса ва вазият қулай келса, карта эгаси 1000 иена (6,60 АҚШ доллари) ютиб олиши мумкин. Борди-ю омад кулиб боқмаса, янаги гал урилиб кўриш мумкин.

"Банкоматлар билан фойдаланганда омад ёлғиз қолади ва унга мулоқот етишмайди, шу сабабли озгина эрмак ва хушвақтлик қўшишга қарор қилдик", – деб изоҳ берди банкнинг Хонсю оролидаги Гифу префектурасидаги бўлими вакили. Янги хизматдан сентябр ойининг ўрталаридан бошлаб банкнинг 134 та бўлимида фойдаланиш мумкин бўлади.

Япон банки ҳақиқий Лас-Вегас казиноси муҳитини ҳис қилиш имкониятини биринчи марта бераётгани йўқ. Кўпроқ мижоз жалб этиш мақсадида Ogaki Kyoritsu илгари ҳам ўз банкоматларига "бир қўллик қароқчилар"ни ўрнатган эди. Мижозлар қимор ўйинлар ўйнаб, 1000 иенагача пул ютиб олишлари ёки банк комиссиясини тўламаслик имконига эга бўлишлари мумкин эди. "Бу мижозларимизга жуда ёқадди", – дейди банк вакили. Энг ёқимлиси шуки, реал казинодан фарқли ўлароқ, бу ерда ўйинчи жуда ёмон деганда ўз пулини сақлаб қолади.

Чет эл матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА БОШ БОШҚАРМАСИ

ЭЛЕКТРИКЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Талабгорлар:

- Олий ёки ўрта махсус техник маълумотга эга бўлишлари;
- Электрчи вазифасида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлишлари;
- Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун ҳисобдан ўтган бўлишлари керак.

Куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин:

112-62-72, 112-61-04, 112-62-91

БАҲА АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш "Заковат"
ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдураҳмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАО,

«Иқтисодиёт ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

134-13-13

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзалари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓢ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Ғ-1104

Тираж 5367 нусха.

Босишга рухсат этилди

5.09.2006 й.

БАНАЖБОРОННОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 37 (540) 2006 йил 13 сентябр

БАНК СОҲАСИДА БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ КУЗАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон банклари ассоциацияси "Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компанияси тижорат банклар фаолиятининг 2006 йил 1-ярим йиллик натижалари бўйича рейтинг баҳолашни якунлади. **Рейтинг натижаларига асосан 2006 йил 1-ярим йиллиги мобайнида банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, жумладан, кўламлилиқ, ишончлилиқ ва рентабеллиқ кўрсаткичлари ўсиши кузатилди.**

Тижорат банклар фаолиятининг 2006 йил 1-ярим йиллик якунлари бўйича ўтказилган рейтингда 22 та банк иштирок этди. Банкларнинг 2006 йил 1-ярим йиллик якунлари бўйича якуний рейтинг кўрсаткичи ўртача 34,1 бални ташкил қилди (2005 йил 1-ярим йиллик якунлари бўйича - 27,3 бал).

Банклар фаолиятининг кўламлилигининг ўсишига умумий активларнинг ва умумий даромадларнинг сезиларли даражада ортиши сабаб бўлди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида рейтингда иштирок этган банкларнинг активлари 41% га ўсди. Банк активларининг асосий таркибий қисми ссудалар ва ликвид маблағлардан иборат бўлиб, уларнинг жами

Рейтингда иштирок этган банкларнинг рейтинг кўрсаткичлари динамикаси



активлардаги улуши 86% ни ташкил қилди. Ссудаларнинг соф қолдиғи таҳлил қилинаётган даврда 37% га ўсди. Банкларнинг ликвид маблағлари қолдиғи (нақд пул маблағлари, Марказий банк ва

бошқа банклардаги пул маблағлари) 60% га ўсди.

Банклар актив операцияларининг ўсиши мижозларнинг қўшимча жалб қилинган маблағлари эвазига эришилди. Жумладан, банк мижозларининг умумий депозитлари қолдиғи 61,0% га ўсди. Бу асосан талаб қилиб олинган ва муддатли депозитларнинг ўсиши ҳисобига таъминланди. Уларнинг умумий депозитлардаги салмоғи 68,3% ва 22,7% ни ташкил қилди. Тўлов учун қабул қилинган ссуда мажбуриятлари 31,5%га, бошқа банклар маблағлари 52,2%га ўсди.

Банкларнинг умумий даромадлари 2006 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,6% га ўсди. Фоизсиз даромадлар, жумладан комиссия даромадлари ва кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар банк даромадларининг асосий манбаига айланди. 2006 йилнинг 1-ярим йиллик якунлари бўйича рейтингда иштирок этган банкларнинг умумий даромадларидаги фоизсиз даромадларнинг салмоғи 50,2% ни ташкил қилди. Фоизсиз даромадлар таркибида хорижий валюта операцияларидан олинган даромадлар (53,3%) ва комиссия даромадларнинг (33,3%) юқори даражада ўсиши кузатилди.

(Давоми 2-бетда).

БУ СОНДА:

- 3 Тижорат банклари бошқарув раислари диққатига
- 4-5 Омонат ва сармоя
- 7 Обуна-2007

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 12 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	925,23
1 Англия фунт стерлинги	2291,76
1 Дания кронаси	208,75
1 БАА дирҳами	334,50
1 АҚШ доллари	1228,56
1 Миср фунти	214,41
1 Исландия кронаси	17,19
1 Канада доллари	1096,05
1 Хитой юани	154,46
1 Кувейт динари	4249,75
1 Россия рубли	45,91
1 Украина гривнаси	243,28
100 Ливан фунти	81,90
1 Малайзия ринггити	334,99
1 Норвегия кронаси	188,86
1 Польша злотийси	390,66
1 Сингапур доллари	781,41
1 СДР	1818,15
1 Туркия лираси	832,08
1 Швеция кронаси	167,24
1 Швейцария франки	984,98
1 ЕВРО	1557,08
10 Жанубий Корея вони	12,84
10 Япония иенаси	105,29

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Банк янгиликлари

«ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ:

МИКРОКРЕДИТЛАШ ПОРТФЕЛИ 3 МЛРД. СЎМГА ЕТДИ

Банкнинг матбуот хизматидан хабар қилишларича, Ўзбекистонда хусусий ва кичик бизнесни ривожлантириш учун "Ипак йўли" банки 2006 йил 1 сентябр ҳолатига 2306 нафар тадбиркор учун жами 10806 млн. сўм кредит ажратди. Ҳозирги кунда "Ипак йўли" банкининг микрокредитлаш дастури бўйича кредит портфели 3119 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Йил охиригача микрокредитлаш дастури бўйича ҳаммаси бўлиб 3 млрд. 500 млн. сўм кредит ажратиш режалаштирилган.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА АЙЛАНМА КЎПАЙДИ

"Ипак йўли" банки Ўзбекистон аҳолисига пластик карточкалар бўйича 2005 йил апрел ойидан бери хизмат кўрсатиб келмоқда. 2005 йилда пластик карточкалар бўйича пул айланимлари ҳажми 276 млн. сўмни ташкил қилди. Шу йилнинг саккизи ойи натижаларига кўра бу рақам 154 млн. сўмга етди.

"Ипак йўли" банки юридик шахслар учун корпоратив пластик карточкалар эмиссия қилди. Бу карточкалар ўз эгаларини ортиқча қозғошмоқдан халос қилади.

Яқин келажакда банк кредит пластик карточкаларини жорий этишни режалаштирмоқда. Кредит пластик карточкалари ўз эгасига карточкада тургандагидан кўпроқ миқдорда пул маблағларидан фойдаланиш имконини беради.

Мария ВРУБЕЛЬ.

ЎЗР МИЛЛИЙ БАНКИ: ЎСИШДА СОБИТҚАДАМЛИК

Миллий банк фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборат. Шу йилнинг биринчи ярмида банк кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 49 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ ажратиб, қарийб 2,7 мингта иш жойи яратди. Шу даврда банк 1,14 млрд. сўмлик 1360 дан ортиқ микрокредит берди.

Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун чет эл валютасида берган кредитлар ҳажми 239,2 млн. АҚШ долларида ошиб кетди ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги 146 та инвестициявий лойиҳани қамраб олди.

Банк фаолияти жисмоний шахсларнинг сўмдаги депозитлари ҳажмини кўпайтириб, 2006 йил 1 август ҳолатига 161,7 млрд. сўмга етказиш имконини берди. Жисмоний шахслар ўз омонатларини ҳам миллий валютада, ҳам чет эл валютасида қўйган депозитлар сони 415 мингтагача кўпайди ва 1062 мингтага етди.

Миллий банкнинг пластик карточкалари инфратузилмаси 2006 йил 1 август ҳолатига 97 та банккомат ва 1606 та терминални ўз ичига олди. Улар савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 1521 корхонада ўрнатилган. Улар ёрдамида амал-

га оширилган пул айланими эса 14 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу 2005 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 1,4 баравар ортиқдир.

2006 йил 1 август ҳолатига Миллий банк 808 мингдан ортиқ сўмдаги пластик карточкани ва 14 мингдан ортиқ "VISA" халқаро карточкасини муомалага чиқарди. Ҳозир банк иш ҳақи лойиҳалари соҳасига республиканинг барча минтақаларидаги 1072 та компания ва ташкилотни жалб этган.

Банк орқали коммунал тўловлар амалга ошириш ҳажми ўсиб бормоқда. Чунончи, шу йилнинг етти ойи ичида ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 2 баравар ортиб, деярли 18,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Лола АБДУАЗИМОВА.



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 12 сентябр ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1236,00	1239,00	1558,00	1578,00
"Асака" банки	1236,00	1239,00	1559,00	1570,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1236,00	1239,00	1558,00	1568,00
"Пахта Банк"	1237,00	1239,00	1560,00	1565,00
"Халқ банк"и	1236,00	1239,00	1560,00	1571,00
"Ипотекабанк"	1236,00	1239,00	1558,00	1565,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1236,00	1237,00	1570,00	1573,00
"UzKDBбанк"	1233,00	1239,00	1557,00	1580,00
"Фаллабанк"	1236,00	1239,00	1576,00	1583,00
"Трастбанк"	1236,00	1239,00	1558,00	1568,00
"Алп Жамол банк"	1236,00	1239,00	1566,00	1571,00
"Алокабанк"	1236,00	1238,00	1557,50	1580,90
"У-Т банк"	1236,00	1239,00	1558,00	1578,00
"Туронбанк"	1236,00	1239,00	1558,00	1562,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1236,00	1239,00	1560,00	1570,00
"Ипак йўли" банки	1236,00	1239,00	1566,51	1570,31
"Микрокредитбанк"	1236,00	1239,00	1567,00	1570,00
"Туркистон" банк	1236,00	1238,00	1590,00	1620,00
"Даврбанк"	1236,00	1239,00	1600,00	1630,00
"Кредит-Стандарт" банки	1236,00	1239,00	1557,50	1580,00
"Капитал банк"	1236,00	1239,00	1557,10	1580,00
"Содерат банк"	1236,00	1239,00	1532,00	1602,00
"Хамкорбанк"	1237,00	1239,00	1558,00	1578,00
"Универсалбанк"	1236,00	1239,00	1566,00	1570,00
"Парвинабанк"	1236,00	1239,00	1558,00	1560,00

